



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Татаристон билан амалий шерикликни кенгайтириш ва иқтисодийнинг устувор тармоқларида қўшма инновацион лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчи корхона ва компаниялар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг илк натижалари мамнуният билан қайд этилди. Тошкент вилоятидаги "Чирчик" кимё-индустриал технопарки доирасида

кооперация кўлами кенгайиб бормоқда. Хусусан, 16 та инвестиция лойиҳаси тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Қабул қилинган "йўл харитаси"га мувофиқ, машинасозлик тармоғида,

янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида, кичик тоннажи кимё ва нефтни қайта ишлаш, аграр sanoat, IT соҳаларида кооперацияни кучайтириш ва лойиҳаларни илгари суриш

истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ҳудудларида, шу жумладан, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қўшма бизнес лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълимга оид, техник ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги дастурларни амалга оширишга келишиб олинди.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АҲОЛИ КАЙФИЯТИ – ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар халқни рози қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ҳар доим "ислоҳотлар натижасини одамлар ўз ҳаётида, маҳалласида сезсин", деб талаб қўяди.

Шу мақсадда жорий йилги дастурлар доирасида 4 минг 100 та маҳаллани обод қилиш, болалар боғчаси, мактаб, соғлиқни сақлаш, сув, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга бюджетдан қарийб 29 триллион сўм маблағ ажратилди.

Бунинг эвазига 434 та маҳаллада ички йўллар таъмирланди. 672 та маҳаллага ичимлик суви тармоғи тортилди. 34 та янги мактаб барпо этилди, 338 таси реконструкция қилиниб, 360 таси таъмирланди, уларда қўшимча 78 минг нафар ўқувчи таълим олишига имконият яратилди. Шунингдек, 580 та трансформатор, 20 минг километр тармоқлар янгиланиб, 413 та маҳалладаги 1,5 миллион аҳолининг электр таъминоти яхшиланди.

Йиғилишда бундай ишларни тизимли давом эттириб, маҳаллалардаги долзарб масалаларни ҳал қилиш чоралари муҳокама қилинди.

— Ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак. Аҳоли кайфияти бу — ислоҳотларимиз ва сиёсатимизнинг кўзгуси. Катта-кичикми, одамлар айтган ҳар бир муаммога ўз вақтида муносабат билдириш, уларни босқич-ма-босқич ҳал қилиш барча даражадаги раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда юртимизда 9 минг 370 та маҳалла бор. Президентимиз топшириғига кўра, уларнинг ҳар бирига борилиб, аҳолини қўйнаётган муаммолар рўйхати шакллантирилган.

Хусусан, йўл, ичимлик суви, сугориш тизими, электр таъминоти, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ 12 мингта масала кўтарилган.

Йиғилишда мазкур муаммолар ечимини ўз ичига олган аниқ вазифалар белгиланди.

4 минг 979 та маҳаллада режалаштирилган 5 минг 695 та қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари учун "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармаларига 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилиши айтилди. Эҳтиёжга қараб йил якунига қадар яна 1 триллион сўм ажратилади.

Маҳаллаларда турмуш шароитларини яхшилашда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси айна мударра бўлмоқда. Жорий йил иккинчи ярмида бу лойиҳада 9 минг 201 та (98 фоиз) маҳалла иштирок этди. Овоз бериш якунларига кўра, 1 минг 221 та маҳалладаги 1 минг 418 та лойиҳа ғолиб деб топилиб, улар учун жами 1 триллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Президентимиз аҳоли талабларини қаноатлантириш ва маҳаллаларни обод қилиш мақсадида "Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада кенгайтириш таклифини билдирди.

Шу боис, 342 та маҳалладаги 2 мингтадан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 364 та лойиҳа учун қўшимча 335 миллиард сўм ажратилган бўлди. Бундан ташқари, аҳоли саюматлиги муҳимлигини инобатга олиб, маҳалла шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни жиҳозлашга келгуси йилда қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, келгуси йилдан вилоят бюджетлари қўшимча маблағларнинг 30 фоизи ҳам "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларига йўналтирилиши айтилди. Бу — яна қўшимча 1 триллион сўм дегани.

Умуман, келгуси йилдан бошлаб маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина "Ташаббусли бюджет" орқали аҳоли истаган лойиҳаларга ажратилиши белгиланди.

— Келгуси йил 1 январдан "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари учун маблағлар 3,5 бараварга оширилиб, 8 триллион сўмга етказилади. Шунда ўғирлик бўлмайди, адолат бўлади, одамлар ўзлари хисса қўшган лойиҳаларни, албатта, асраб-авайлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Яна бир янгилик — ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун келгуси йилдан "Маҳалла бюджети" тизими жорий этилади. Ҳар бир вилоятнинг солиқ ундирилиши паст бўлган биттадан туманида, тажриба тариқасида, аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бундан тушган маблағ "Маҳалла бюджети"да қолади.

Мутасаддиларга ушбу маблағларни шакллантириш, сарфлаш ва назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида бу йил якунигача 75 миллион дона, келгуси йил баҳор ойларида яна 125 миллион дона мевали ва манзарали кўчатлар экиш вазифаси қўйилди. Утган йилги тажрибадан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" эълон қилинди.

— Дарахт ҳавас билан экилиши, халқимиз, маҳаллаларимизнинг маданиятига айланиши лозим, — деди Президент.

Йиғилиш якунида мутасаддиларнинг ҳисоботи ва таклифлари эшитилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 12-14 октябрь кунлари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларида иштирок этиш учун ташриф билан Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлади.

13 октябрь куни бўлиб ўтадиган юқори даражадаги халқаро форум — Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қўшма мақсадда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

14 октябрь кунига режалаштирилган МДҲ мамлакатлари етакчиларининг учрашувидан кўп томонлама шерикликнинг энг муҳим жиҳатлари ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Бўлажак тадбирларда алоҳида эътибор ўзаро савдонини кўпайтириш ва sanoat кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, самарали транспорт коммуникацияларини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалаларига қаратилган.

Бундан ташқари, саммитлар доирасида Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама музокаралар ўтказилади.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ОСИЁДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЙЎЛИДА



Жорий йил 13 октябрь куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг (ОҲИЧК) VI саммити ўтказилади. Ушбу учрашув 2020-2022 йилларда мазкур кенгашга раислик қилаётган Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг (ОҲИЧК) чақирғиш ташаббуси илк бор Қозоғистон томонидан 1992 йил октябрь ойида илгари сурилган. 1999 йил

сентябрь ойида Кенгашга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг Олма-отада бўлиб ўтган биринчи учрашувидан сўнг ОҲИЧК расман "мулоқот учун форум" сифатида фаолият кўрсата бошлади.

▶ Давоми 2-бетда

ДИЛ ИЗҲОРИ

ОЛТИН МЕДАЛНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ШАҲСАН ЎЗИ ТАҚИБ ҚЎЙДИ

Мамлакатимиз сўнгги йилларда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва спорт ўйинлари ўтказиладиган давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгалламоқда. Дунё ҳамжамияти соҳада кўлга киритилаётган ютуқларимизни, ғалабаларимизни эътироф этаётир. Бу, албатта, юртимизда спортга қаратилётган юксак эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан, имкониятлар яратилганидан.



▶ Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ОСИЁДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА
ФАРОВОНЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЙЎЛИДА

Бошланиши 1-бетда

Ташкилотнинг асосий мақсадлари Осиеда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича кўп томонлама ёндашувларни ишлаб чиқиш орқали минтақада фаровонлик ва барқарорлик йўлида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдосига ҳамда терроризмининг барча шакл ва кўринишларига қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, оммавий қиргин қуроллари тарқалишининг олдини олиш ва уларни изчил йўқ қилиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича ҳамкорликдан иборат.

ОХИЧК ўз фаолиятини давлат ва ҳукумат раҳбарларининг декларациялари, шунингдек, ташкилотнинг бошқа бошқарув органлари доирасида амалга оширади.

**ОХИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солуви тамойиллар декларацияси (1999 йил 14 сентябрь),
Терроризмни бартараф этиш ва цивилизациялар ўртасида мулоқотга кўмаклашиш тўғрисидаги декларация (2002 йил 4 июнь) ва бошқа қатор ҳужжатлар ОХИЧК фаолияти учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.**

ОХИЧК бошқарув органларида Давлат раҳбарлари саммити, Ташқи ишлар вазирлари учрашуви ва Юқори лавозимли масъуллар кўмитаси қиради. Тузилманинг ишчи органлари Махсус ишчи гуруҳ, Экспертлар учрашуви, Ихтисослашган учрашув ва Котибиятдан иборат.

Оқиллар кенгаши, Ишбилармонлар кенгаши, Ёшлар кенгаши, ОХИЧК Таҳлил марказлари форуми Кенгашнинг маслаҳат-ийғин органлари ҳисобланади.

Олий даражадаги учрашувлар ҳар тўрт йилда бир марта қабирилади. Ташкилот фаолияти давомида ОХИЧКга аъзо давлатлар раҳбарларининг бешта саммити бўлиб ўтган. Улар Қозғистон (2002 ва 2006 йиллар), Туркия (2010 йил), Хитой (2014 йил) ва Тожикистонда (2019 йил) ташкил этилган.

Ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари ҳар икки йилда ўтказилади. Вазирлик йиғилишлари ОХИЧК фаолиятига оид барча масалаларни кўриб чиқиш ва маслаҳатлашувлар учун асосий форум ҳисобланади.

Ҳозирги кунда 27 мамлакат ОХИЧКга аъзо. Улар Озарбайжон, Афғонистон, Баҳрайн, Бангладеш, Вьетнам, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Иордания, Ироқ, Эрон, Қозғистон, Қатар, Камбожда, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Мўғилистон, БАА, Покистон, Фаластин, Россия, Тожикистон, Таиланд, Туркия, Шри-Ланка ва Ўзбекистон. 9 мамлакат — Беларусь, Индонезия, Малайзия, АҚШ, Украина, Филиппин, Япония, Лаос ва Туркменистон ҳамда 5 халқаро ташкилот — БМТ, ЕХҲТ, Араб давлатлари лигаси, Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси, Халқаро миграция ташкилоти ОХИЧКда кузатувчи мақомига эга.

2007 йил октябрь ойида ОХИЧК БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олган. Шунингдек, тузилма Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Халқаро миграция ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ва ШХТнинг Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси билан ўзаро Англашув меморандумларини имзолаган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳрида (2019 йил июнь) бўлиб ўтган ОХИЧК саммити доирасида ёшларнинг радикаллашувига қарши курашиш, динлараро тотувлик, таълим ва маданий ўзаро бойишни сақлаш бўйича мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистонни ОХИЧКнинг илм-фан, таълим ва маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳасида ишонч чоралари бўйича мувофиқлаштирувчиси этиб белгилаш каби қатор ташаббусларни илгари сурди.

**2020 йил ноябрь ойдан эътиборан Ўзбекистонга инсоний ўлчовдаги ишонч чоралари бўйича мувофиқлаштирувчилик роли юкланган.
Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ОХИЧК Ёшлар кенгаши фаолиятида ҳамраис сифатида иштирок этмоқда. 2021 йил Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ОХИЧК Таҳлил марказлари форумининг доимий аъзоси этиб белгиланган.**

Муҳтасар айтганда, мамлакатимиз ушбу Кенгаш доирасида Осие минтақасидаги ҳамкорлик ўсучанлиги сақланиб қолишининг тарафдоридир.

ОХИЧКга аъзо давлатлар раҳбарларининг бўлажак учрашуви Осиеда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, ишонч ва хавфсизлик чораларини мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларга эришишда ўзаро манфаатли ечимларни биргаликда қабул қилишга хизмат қилади.

“Дунё” АА

ДИЛ ИЗҲОРИ

ОЛТИН МЕДАЛНИ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
ШАҲСАН ЎЗИ ТАҚИБ ҚЎЙДИ

**Давлат БОБОНОВ,
Олимпия ўйинлари
бронза медали соҳиби,
дзюдо бўйича жаҳон
чемпиони**

Бошланиши 1-бетда

Бугун қайси ҳудудга борманг, спорт билан шуғулланман, деган болага спорт мактаблари ўз кучогини очиб турибди. Ёш спортчилар билан тажрибали мураббийлар шуғулланмоқда. Шундай тизим яратилдики, ёш авлод болалигидан спортга йўналтириляпти. Ишоният излаб туман ёки вилоят маркази, пойтахтга интилишга ҳожат қолмади. Эҳтимол, ушбу мактаблардан, спорт тўғрисидаги чемпионлар етишиб чиқмас, бироқ уларнинг спорт билан шуғулланиши келажакда соғлом авлод сафи кенгайишига туртки бўлади, деб ишонаман.

Болалигим Оқтоғ тоғ этақларида кечди. Бир қишлоқ боласи мен ҳам босиб ўтдим. Бобом раҳматли кураш шинавандаси эди. Менинг дондор повондан бўлишимни истаган. Умрининг сунги кунларини яшар экан, “қанийди, телевизор орқали Бобонов деган фамилияни бир бора эшитсам, бу дунёдан армонсиз кетардим”, дея ўкинганини эслайман. У пайтлар ҳали ёш эдим. Амакиларим Нуротага доғруғ ёйган курашчилар даврасида бўлган. Ўзлари ҳам майдон оралаб, кураш тушган. Спортга қачон кириб келдим, қандай кириб келдим, ёдимда йўқ. Билганим, эсимни таний бошлаганимдан қишлоқда

ўтадиган тадбирларда, тўй-ҳашамларда кураш тушардим.

Отам мен ҳали кичиклик пайтида юртимизнинг машҳур полвонларига ҳавас қилиб, ўзаро суҳбатларда элга донги кетган полвон бўлишимни, Ўзбекистон байроғини кўларга кўтариб, юрт шарафини катта-катта майдонларда ҳимоя қилишимни орзулаб яшашини тез-тез таъкидлардим. Бобомнинг ҳам, отамнинг ҳам нижаси жуда самимий эди, юртингизни тубидан чиқаётганини ҳис қилардим. Уша кезлари “ҳозир катта гиламда бўлиб қолсам-у, рақибларимни ер тишлатсам, отамнинг орзусини ушалтирсам”, деб орзу қилардим.

12 ёшимгача амаким Шаҳобиддин Бобонов қўлида спортнинг пасти-баланд билан танишдим. Кейинчалик Самарқанд шаҳридаги олимпия захиралари коллежига ўқишга кирдим. Ўзбекистон ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, кетма-кет чемпионлик шохсупасига кўтарилдим. Коллеждан сўнг Самарқанд давлат университетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилдим. Турли мусобақаларда, спорт ўйинларида тобландим. Ўтган йили Токиодаги Олимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритдим.

Айни кунларда юртимиз жаҳоннинг нуфузли спорт мусобақасига мезбонлик қилмоқда. Ўзбекистон тарихида илк бор дзюдо бўйича жаҳон чемпионати мамлакатимизда ўтмоқда.

Бу нуфузи бўйича Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турадиган муҳим мусобақадир.

Унда жаҳоннинг 82 давлатидан 571 нафар дзюдочи иштирок

этмоқда. Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 18 йигит-қиз курашмоқда.

10 октябрь куни Президентимиз “Humo Arena” спорт саройига ташриф буюриб, мазкур беллашувларни томоша қилди. Спорт мусобақасини шахсан давлат раҳбари келиб кузатиши — катта ҳодиса. Ҳал қилувчи ўйин олди-дан майдонга тушар эканман, Президентимизнинг спорт саройига келиб, баҳсимизни томоша қилаётганини эшитиб, тўғриси, ҳаяжонландим. Шундоқ ҳам Ўзбекистон номидан, юрт шаъни учун майдонга тушиш спортчида катта масъулият юклайди. Боз устига, майдондаги ҳар бир ҳаракатингизни Президент кузатиб турганини билсангиз, табиийки, ҳаяжон босади. Кеча ҳам шундай бўлди: бир тарафдан, босим, бошқа томондан, давлатимиз раҳбари биз учун келди, деган ишонч менга катта руҳ берди. Уйлайманки, шу ишонч билан ғалаба қозониб, олтин медални қўлга киритдим. Мамлакатимиз дзюдо тарихида яна бир муваффақият қайд этилди.

Қувонарлиси, олтин медални кўксимга Президентимизнинг шаҳсан ўзи тақиб қўйди. Бу нақаси ҳали бўлмаган. Халқаро мусобақада зафар кучиб, давлат мадҳияси янграши ва байроғининг баланд ҳилпирашини кўриш — ҳар бир спортчининг орзуси. Бугун менинг шу орзум ушалганидан мамнуман.

Давлатимиз раҳбарига бизни қўлаб-қуватлаб тургани, алоҳида эътибори учун миннатдорлигимни билдираман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
КУЧ-ҚУДРАТИНИ ДУНЁГА
НАМОЙИШ ЭТАМИЗ

Тошкентда ўтаётган дзюдо бўйича жаҳон чемпионати бетакорр лаҳзалар, чиройли беллашув ва ғалабали онларни туҳфа этмоқда. 100 кг.гача вазн тоифасида яна бир ҳамюртимиз Музаффарбек Тўрабоев барча рақибларидан устун келиб, олтин медални қўлга киритди. Истеъдодли спортчимиз аввалига АҚШ, кейин Грузия, ярим финал остонасида Канада, ярим финалда Нидерландия вакиллариини мағлуб этиб, финалга йўл олди. Ҳамюртимиз финалда канадалик Кайл Рейесга қарши баҳс олиб борди ва ҳақли равишда ғалаба қозонди.



Музаффарбек Тўрабоев,
дзюдо бўйича жаҳон чемпиони:

— Тошкентда илк бор ўтказилаётган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритганим мен учун ҳам, халқимиз учун ҳам тарихий воқеа бўлди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Биз бахтли авлодимиз! Биласизми, нима учун? Жаҳон чемпионатида голиб бўлишим билан бу хабар Президентимизга етказилибди. Давлат аҳамиятига боғлиқ муҳим йиғилиш ўтказилган бир вақтда давлатимиз раҳбари ғалабам билан мени ва барча юртдошларимизни қўлаб-қуватлаб бахтимиз эмасми?!

Юртбошимизнинг биз, спортчиларга алоҳида эътибори, юртдошларимиз, барча ақинларимизнинг ишончини ҳис қилиб турдим.

Отам ҳам полвон. Мамлакатимизда илк бор ўтказилган кураш бўйича жаҳон чемпионатида

олтин медаль соҳиби бўлган. Ота-онам менинг ҳам чемпион бўлишимни орзу қиларди. Бугун уларнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман.

Халқимизнинг ҳамма фарзанди ўз йўналишида чемпион бўлишини тилайман. Юртимиз байроғини юксакларга қўтариш барчамизга насиб этсин. Эртанги баҳсларда ҳам спортчиларимизга омад ёр бўлсин.

Эндиги мақсадим Олимпиада чемпиони бўлиш. Президентимизнинг бизга билдирган ишончини яна бир бор оқлаб, дунёга Янги Ўзбекистон ёшларининг куч-қудратини намойиш этамиз.

САММИТ ОЛДИДАН

“САМАРҚАНД РУҲИ”
ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТАДИ

Ўзбекистон чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли, очик ва прагматик ташқи сиёсат юритмоқда. Барча шерик давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан турли йўналишда ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда. Жорий йилнинг 11 ноябрь куни кўҳна ва ҳаммиша навқирон Самарқанд шаҳри яна бир йирик анжуман — Туркий давлатлар ташкилоти саммитига мезбонлик қилади. Ўхшаш тил ва қадриятлар, ягона эътиқод, туташ тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган ушбу тузилманинг минтақавий кўп қиррали ҳамкорликнинг самарали платформаси сифатида халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи йил сайин юксалмоқда.

**Анваржон МИРКОМИЛОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази эксперти**



деб эълон қилинди ва муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Шаҳарнинг маданий ва туризм инфра-тузилмасини ривожлантириш, сайёҳлар учун қўшимча қўлайликлар яратиш, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳамда жозибadorлигини ошириш мақсадида жорий йил 29 июль куни Президентимизнинг “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Ушбу қарор билан туркий дунё доирасида “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси тасдиқланди.

Мамлакатимизнинг шу каби халқаро ташкилотларда ўзаро манфаатли иштироки масаласи қабул қилинаётган стратегиялар ва давлат дастурлари билан муштарақ ҳамда уларда ўз ифодасини топганини ҳам таъкидлаш зарур. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли

“**ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ 2009 ЙИЛ
ТАШКИЛ ТОПГАН БЎЛИБ,
УНГА ЎЗБЕКИСТОН,
ОЗАРБАЙЖОН,
ҚОЗОҒИСТОН,
ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТУРКИЯ
АЪЗОДИР. ВЕНГРИЯ
ВА ТУРКМЕНИСТОН
КУЗАТУВЧИ МАҚОМИГА
ЭГА. ЎЗБЕКИСТОН
МАЗКУР
ТАШКИЛОТГА 2019
ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬ КУНИ
ОЗАРБАЙЖОН ПОЙТАХТИ
БОКУ ШАҲРИДА БЎЛИБ
ЎТГАН САММИТДА АЪЗО
БЎЛГАН ЭДИ.**

субъект сифатидаги ролини ошириш” вазифаси ҳам қўйилган.

Хусусан, бу йилги давлат дастурида Туркий давлатлар ташкилоти саммитига Ўзбекистон раислигини самарали ва фаол амалга ошириш вазифаси алоҳида белгиланган. Унда йирик тадбирларда минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси ҳамда глобал ташаббусларини илгари сурди каби фаолиятни ташкил этиш алоҳида кайд этилган. Бугунга қадар Туркий давлатлар ташкилоти доирасида 20 дан ортқ юқори даражадаги тадбирда Ўзбекистон иштироки таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг 3-4 октябрь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи чоғида мазкур мамлакат Бош вазир Виктор Орбан Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитида иштирок этишини тасдиқлади.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммит халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва механизмлари очиб бериши билан бирга, қардош халқларнинг умумий фаровонлиги ва раванқига хизмат қиладиган муҳим қарорлар қабул қилиниши билан ҳам аҳамиятлидир.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

ТАҲЛИЛИЙ ТУШУНИШ ЭФФЕКТИ



Жасурбек ОТАНИЕЗОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бу каби катта ислохотларни Президентнинг ўзидан эшитган венгер ишбилармон доира вакиллари, йирик инвесторлар ўша заҳотиёқ Ўзбекистонга бошқача қизиқиш билан қарай бошлади — мамлакатимиз бозорига кириш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди. Ўзбекистон — Венгрия бизнес форумида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзолангани ҳам томонлар ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги тасдиғи бўлди.

Европанинг қоқ марказида эътироф этилган бу каби ютуқларимиз замирида катта сиёсий ирода, тинимсиз меҳнат ва узоқни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар самараси борлигини бугун халқимиз ҳам, дунё ҳамjamiyати ҳам яхши англаб турибди. Лекин яна бир гап, ҳаётимиз ўз-ўзидан яхши бўлиб бораётгандек бўлади — чўнтагимизда пул бор, рўзгорнинг кўп майда ташвиши бевозта қилмайди, бугун катта-катта масалаларни ҳал қилишга ўтдик. Дунё бўйлаб оилавий савдо қилишга ошuftамиз, янгидан-янгидан машина мингмиш келади. Ҳисоб рақамимизни қайси валюта билан тўлдириш ёки маблағни қаерга, қандай йўналтириш ҳақида маслаҳатлашадиган чўчимаимиз. Чўнтақда сўмми ё доллар, хуллас, яширмаймиз. Аммо шундай кунларга эришишга асос бўлган муҳим ҳаётий омилларни кўп ҳам эславермаймиз. Сабаби биз, мутахассис-экспертлар ҳар бир ислохотнинг моҳиятини халқчил тилда шарҳлаб бермаймиз. Масалан, Президентимиз Венгрияда тилга олган валюта бозори ва фойдани репатриация қилиш сиёсатининг ўзи билангина халқимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар бўлганини бир тасаввур қилиб кўрайлик...

Икки муҳим омил

Давлатимиз раҳбари 2017 йилдаёқ иккита жуда катта сиёсатни тартибга солиди. **Биринчиси — валюта бозори эркинлаштирилди, иккинчиси — фойда репатриацияси қафолатланди.** Фойда репатриацияси нима ва унинг аҳамияти қандай эканини иқтисодчилар, соҳа мутахассислари, инвесторлар яхши билади, шундай бўлса-да, биз кўйида унинг таърифини келтирамиз.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасида муҳим қадам бўлди. Валюта бозори эркинлаштирилиши билан мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш учун қўлай шарт-шароит яратилди. Боиси, валюта бозори эркинлаштирилиши миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири бўлиб келган.

Биринчи омил: валюта бозори эркинлаштирилиши орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фолал жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

Негаки, валюта бозоридида эркинлик таъминлангани орқали юридик ва жисмоний шахслар чет эл валютасини эркин сотиб олиш, сотиш ҳамда маблағларини хоҳишига кўра, тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Айниқса, юридик шахслар товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш ва бошқа савдо характериға эга бўлмаган ўтказмалар каби жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни амалга ошириши учун имконият юзга келади.

Иккинчи омил: миллий валюта конвертацияси таъминлангани, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш имконияти ҳамда улар учун ҳуқуқий ҳимоя ва имтиёзлар мавжудлиги миллий иқтисодиётга хорижий инвесторларни жалб этишдаги муҳим шарт-шароит ҳисобланади. Фойда олиш мақсадида хорижий мамлакатлар иқтисодиётига инвестиция қилишни кўзда тутган ҳар бир инвестор учун, энг аввало, ушбу

мамлакатда инвестициявий фаолиятни амалга оширишда мавжуд шарт-шароитлар, олинган фойдани репатриация қилиш (яъни хорижий мамлакатлардаги фаолият натижасида олинган фойдани инвесторнинг мамлакатига қайтарлиши борасида яратилган имкониятлар) муҳим роль ўйнайди.

Аввал қандай эди?

Бугун биз кўникиб бўлган, гўё юз йилдан буён шундайдек тўюладиган ўзгаришлар аслида бундан бор-йўғи олти йил бурун бошлангани яна бир эслаш, энг муҳими, олдинги хатолардан тўғри хулоса чиқариб иш қўриш мақсадида, келинг, 2017 йили валюта бозори эркинлаштирилишигача бўлган давр манзарасини бир кўз олдимизга келтирайлик.

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга тўққинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар бор эди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахслар чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини хоҳишига кўра, тасарруф этиш имкониятигига эга эмас эди.



Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган омиллардан яна бири миллий валютани конвертация қилишдаги чекловлар мавжуд ва бу жараён узок мuddат — бир неча ойни ташкил этарди. Бу ҳолат импорт билан шуғулланувчи компанияларга хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда жиддий тўсиқ бўлган.

Тадбиркорлик субъектлари учун экспорт тушумининг 50 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича мажбурий сотиш талаби улар томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга тўққинлик қиларди.

Агар экспорт қилувчи валюта тушуми келиб тушишни белгиланган мuddатдан кечиктирсас, у ҳолда жарима тўлашга тўғри келган ва бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари учун экспорт операцияларини амалга ошириш масаласида кўплаб қийинчиликларни юзга келтирган.

Хорижий инвесторларга ҳам олинadиган фойдани чет эл валютасида репатриация қилиш имконияти йўқлиги миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улар томонидан инвестиция киритишда жиддий тўсиқ ҳисобланарди.

Мамлакатда эркин конвертациянинг мавжуд эмаслиги иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишга тўққинлик қилувчи асосий тўсиқлардан бири бўлиб келган. Юқоридаги сингари валюта чекловлари мамлакатнинг инвестицион жозибadorлиғига салбий таъсир кўрсатган.

Валюта бозорини эркинлаштириш босқичлари

Янги Ўзбекистон муҳитида валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларни ролини ошириш, валюта бозоридида барча ҳужалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илгор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валюта баркардорлигини таъминлаш алоҳида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Валюта бозорини эркинлаштириш жараёни икки босқичда олиб борилди. **Биринчи босқич экспорт қилувчилар алоҳида категорияси учун валюта тушумининг мажбурий сотиш бўйича нормативларни пасайтиришдан бошланди.**

Бунда 2017 йил 1 февралдан бошлаб валюта тушумини мажбурий сотиш ҳажмини пасай-

Кўзгу

“ ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ИККИ БОСҚИЧДА ОЛИБ БОРИЛДИ. БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР АЛОҲИДА КАТЕГОРИЯСИ УЧУН ВАЛЮТА ТУШУМИНИНГ МАЖБУРИЙ СОТИШ БЎЙИЧА НОРМАТИВЛАРНИ ПАСАЙТИРИШДАН БОШЛАНДИ.

Натижалар нималарда акс этади?

Ҳар бир ўзгариш бошида битта муҳим асос бўлади. Бу асос бизнинг фаровон ҳаётимизни таъминлайди. Валюта бозорини эркинлаштириш сиёсати ҳам ана шу муҳим асослардан бири эканини таъкидлаш асосида унинг бугунги ҳаётимиздаги аксини айрим рақамлар мисолида келтириб ўтсак.

Валюта сиёсати эркинлаштирилгандан сўнг банкларнинг чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари барқарор ўсиб келмоқда. Жумладан, 2021 йилда ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми 2020 йилга нисбатан 40 фоизга ошиб, 21,5 миллиард долларни, сотилган валюта ҳажми эса 1,7 баробар кўпайиб, 11 миллиард долларни ташкил қилган. 2021 йилда ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан ички валюта бозоридида харид қилинган хорижий валюта маблағларининг 57 фоизи ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва хомашё импорти, 20 фоизи истеъмол товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, 20 фоизи хорижий валютадаги кредитларни сўндириш, 1 фоизи хорижий инвесторлар даромадлари репатриацияси ва қолган 2 фоизи бошқа мақсадлар учун ишлатилган.

“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТЕГИШЛИ ФАРМОНИ БИЛАН ЮРИДИК ШАХСЛАР ЎЗ МАБЛАҒЛАРИНИ БАНКЛАРДА ЖОРИЙ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ТОВАР, ИШ ВА ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИ, ФОЙДАНИ РЕПАТРИАЦИЯ ҚИЛИШ, КРЕДИТЛАРНИ ҚАЙТАРИШ, ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТўЛАШ ВА БОШҚА САВДО ХАРАКТЕРИГА ЭГА Бўлмаган операцияларни амалга ошириши учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилиш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар асосида иқтисодий ва инвестицион фаолиятнинг тезлашиши натижасида валютага бўлган талабнинг ўсиши, шу навбатда, қўлай ташқи шароитлар ва жаҳонда асосий экспорт товарларимизга бўлган нархлар ошиши фонидида ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан валюта таклифининг кўпайиши билан мувозанатланмоқда. Хусусан, 2021 йилда ҳужалик юритувчи субъектларнинг жами экспорт тушумлари 2020 йилга нисбатан 35 фоизга ўсиб, 11,7 миллиард долларни, импорт тўловлари 2020 йилга нисбатан 26 фоизга ошиб, 26 миллиард долларни ташкил этган. Импорт тўловларининг экспорт тушумлари билан қопланishi даражаси 2020 йилдаги 42 фоиздан 45 фоизгача ошиб, импортга йўналтирилган тўловларнинг қолган қисми корхоналарнинг ўз маблағларидан ташқари, ички валюта бозоридида харид қилинган маблағлар ёки хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган.

Валюта операцияларини амалга оширишда қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида валюта айирбошлаш инфратузилмасини ривожлантириш борасидидаги фаолият давом эттирилмоқда. Хусусан, аҳоли гавжум жойларда, туристик зоналар, аэропортлар, вокзаллар, савдо мажмуалари ва бозорларда "24/7" режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари сони 1 минг 600 га яқинлашди. 2021 йилда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами 7,1 миллиард доллар миқдоридида, 2020 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп хорижий валюта сотиб олинган.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга жами 4,6 миллиард доллар миқдоридида ёки 2020 йилга нисбатан 12 фоизга кўп валюта маблағлари сотилган.

Бу рақамлар мамлакатимизда валюта бозорини эркинлаштириш, бизнес юритиш учун қўлай муҳит яратиш ва аҳолининг хорижий валюталарга бўлган эҳтиёжини қондиришни англашти билан бирга, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қўлай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йил 25 декабрда "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда хорижий инвесторлар учун маблағларни эркин ўтказиш

қафолатлари алоҳида модда асосида белгилаб берилди. Унга кўра, инвесторларга солиқ ва тўловларни тўлаш шарти билан чет эл валютасидидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикасидан чекловларсиз эркин ўтказиш, шу жумладан, валютани репатриация қилиш учун айирбошлаш қонуний жиҳатдан қафолатланди. Мазкур ҳолат чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини қафолатлаш билан биргаликда, миллий иқтисодиётда инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этишга имкон яратди.

Валюта бозорини эркинлаштириш ва инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш борасида қўлланилган таъсирчан чора-тадбирлар натижасида ташқи иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Хусусан, 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортиқ, шу жумладан, 8 миллиард 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Бунинг натижасида 318 йирик ва 15 мингдан зиёд худудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги ташкил қилинган корхоналар 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга. Чет эллик инвесторлар учун яратилган қўлай шарт-шароит тўғрисида хорижий кунда мамлакатимиз иқтисодиётига 50 дан ортиқ хорижий

давлатлар томонидан инвестиция киритилмоқда. Асосий инвестор давлатлар бешлигиға Хитой, Россия, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар кирарди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда инвестицион фаолиятни рағбатлантириш ва лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида сўнгги беш йилда мамлакат иқтисодиётини 24 фоиз, жалб этилган хорижий инвестициялар миқдорини 3,5 баробар, экспорт ҳажминини 1,6 баробар, аҳоли реал даромадларини эса 2,2 баробарга оширишга эришилди.

Охирги беш йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳисобиға 59 мингта лойиҳа амалга оширилди ва 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яхшиланиши натижасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлиқда ташкил этилган корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда хорижий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 13 минг 289 тани ташкил этиб, шундан 5 минг 988 таси қўшма корхона ва 7 минг 301 таси хорижий корхона ҳисобланади.

Бу каби ижобий натижаларга эришишда, энг аввало, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиши, шунингдек, валюта бозори эркинлаштирилиши, инвестиция муҳити яхшиланиши, хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, иқтисодиётда давлат улушини камайитириш бўйича олиб борилган ислохотлар муҳим аҳамият касб этди. Пировардида, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Биз ўтган беш йилда инвестициялар ҳисобиға мамлакат иқтисодиёти 24 фоиз, экспорт ҳажми 1,6 баробар, аҳоли реал даромадлари эса 2,2 баробарга ошгани, 59 мингта лойиҳа амалга оширилиши билан 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни яратилгани ҳақида гапирдик. Бу миллионлаб оилаларнинг ҳаёти тўдан яхшиланиши, одамлар онгидида ҳаётга бўлган муносабатлар ўзгаргани, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити пайдо бўлаётганини англашди.

Яна бир муҳим жиҳат: шу каби ўзгаришларга асос бўлган муҳим омиллар ҳақида тахлилиий тушуниш эффекти пайдо бўлса, биз эришаётган ҳар бир ютуқли марваннинг қиммати ва ҳуқуқий ўзгача кўриниш касб этади. Ҳаётимизда рўй бераётган ислохотларнинг ҳам кадр-қиммати ошади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ



**Саъдулла ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон пахта-тўқимачилик
кластерлари уюшмаси раисининг
биринчи ўринбосари,
иқтисод фанлари номзоди**

Дарҳақиқат, шундай. Буни Янги Ўзбекистон ёшлари у қадар чуқур ҳис қилишмас. Аммо бу кунлар қаддини янги ўқув йилини пахта даласида бошлаган катта авлод вакиллари жуда яхши билади. Ахир талабаларни пахта теримида чиқариш одатий ҳол ҳисобланарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайлигина бу амалиётга буткул барҳам берилди.

Ушанда, яъни 2017 йилнинг 21 сентябрь кунини талабалар ва ўқитувчиларни пахта далаларидан қайтариш бўйича буйруқни эшитганлар ханг-манг бўлиб қолганди, рости, айримлар буни "вақтинчалик кампания"га йўйди. Баъзи хорижий нашрлар эса ушбу ижобий ҳолатни олқишлаш ўрнига унга гуё хато хатти-ҳаракатдек тус беришга тиришди.

Мана, гувоҳи бўлиб турибмиз, бу инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларнинг бошланиси экан.

Президентимиз "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида пахтачиликда мажбурий меҳнат йўқ қилинишида кластерлар ҳал қилувчи роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаган эди: "Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримида мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳада биз бозор иқтисодиётининг сигналдан ва самарали усулларини, жумладан, кластер тизимини жорий этдик".

Чиндан ҳам, Президентимиз гоёяси асосида ташкил этилган кластер тизими Ўзбекистон пахтачилик соҳасида туб бурилиш ясади. Эндиликда ушбу инновацион усул иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида муваффақиятли татбиқ қилиниб, таъбир жоиз бўлса, уни ҳаракатлантирувчи "драйвер"га айланди.

Жаҳон бозорига қўйилган ғов олиб ташланди

Сир эмас, тўқимачилик саноатимиз ривожига 2009 йилда ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот ғов бўлиб келди. Негаки, "Болалар меҳнати", "Аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш", "Мажбурий меҳнат" деган таъна-дашномлар жаҳон бозорига чиқишдаги йўлимизга тўғанок бўлди.

12 йил давомида амалда бўлган чекловни олиб ташлаш, таъбир жоиз бўлса, оқ пахта мизини "қора рўйхат"дан чиқариш осон бўлгани йўқ. Янги Ўзбекистонда юз бераётган инқилобий ўзгаришларни, айниқса, пахтачиликдаги



Ҳозир юртимизда пахта йиғим-терими айни авж паллада. Бироқ буни кимдир сезган бўлса, кимдир пайқамаяпти ҳам. Сабаби, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳаёт ўз маромида давом этапти. Аввалгидек бюджет ташкилотлари ходимлари, хусусан, ўқитувчилар, шифокорлар пахта теримида олиб чиқилаётгани йўқ. Олий ўқув юрти талабалари ҳам пахта далаларда эмас, ўқув аудиторияларида. Ҳамма ўз иши билан андармон. Пахта ҳосили эса кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, фермер ва кластерлар томонидан йиғиштириб олинди.

ижобий ўнгилишларни ҳазм қилиш, эътироф этиш силлиқ кечмади. Шу боис, бу борадаги халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, шунингдек, "Cotton Campaign" коалицияси билан ҳамкорликда одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда миллий қонунчилик такомиллаштирилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Аниқроғи, 2019–2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенцияси ҳамда баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Шу тариқа пахта-тўқимачилик саноатининг бамосили пешонасига босилган тамағ олиб ташланди. 2022 йил 10 март кунини "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор бўлгани расман эълон қилинди.

Айни пайтда пахта-тўқимачилик соҳасида навбатдаги вазифа, яъни тармоқни максимал даражада механизациялаштириб, қўл меҳнатини минимумлаштириш устида иш олиб борилапти. Энг асосийси, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай



кўриниши билан муросасиз курашилмоқда. Бунга йўл қўйган амалдорларга нисбатан кескин чоралар кўрилди. 2019–2021 йиллар давомида пахта мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйган 178 нафар мансабдор жавобгарликка тортилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида битта мақсад бор, у ҳам бўлса, ҳамма ўз иши билан шугуллансин. Кишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиш эса бундан кейин ҳам аграр соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

“ ЯҚИНДА, АНИҚРОҒИ, 2022 ЙИЛНИНГ 28 СЕНТЯБРИДА АҚШ МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ПАХТА ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАХСУЛОТЛАРНИ АҚШГА ОЛИБ КИРИШГА ҚЎЙИЛГАН РАСМИЙ ЧЕКЛОВЛАРНИ БЕКОР ҚИЛДИ. БУ МАМЛАКАТИМИЗ ЭРИШГАН НАВБАТДАГИ УЛКАН ҒАЛАБА БЎЛДИ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тузилган Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси кластернинг энг яқин ҳамқори ва қўмақчисига айланган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги кластерлар бошини бир жойга қовштирган мазкур тузилма қўлай агробизнес муҳитини яратиш, замонавий бозор муносабатларини кенг қўллаш, кластернинг қўний манфаатларини ҳимоя қилиш, пахтачиликка илгор агротехнологиялар ва интенсив усулларни жорий этиш, тармоқни саноатлаштириш орқали хомашёни ҳудудларнинг ўзида чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш, кишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини оширишда бош-қош бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги

Иқтисодиётда кластер назарияси муҳим маркетинг стратегияси шаклида давлат ва унинг ҳудудларини саноатлаштириш, корхоналар рақобатдошлигини таъминловчи гоё сифатида пайдо бўлган. Кластер сўзи ўзбек тилига ўғирилганда "боғлам", "гурух", "тўплам" деган маъноларни билдиради. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, кишлоқ хўжалиги саноатлашади, дала меҳнатчилари ва саноат ходимларининг манфаатлари муштарақлашади, экспортга хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар чиқарилади, энг муҳими, инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёнлари тезлашади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда илк бор 2017 йилда таъриба тарихида Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида кластер ташкил этилган. У дастлабки пайтлардаёқ устулнинг амалда намоён эта бошлади. Бу эса одамларнинг кластер ҳақидаги нотўғри шубҳа-ғумонларини тарқатиб, янги ривожланиш моделига ишонч уйғотди. Пировадиди, пахтачилик йўналишида кластерлар сони йил сайин кўпайиб бори. 2018 йилда 15 та, 2019 йилда 77 та, 2020 йилда 97 та, 2021 йилда 122 та ташкил этилиб, пахтачилик тўлиқ пахта-тўқимачилик

“ БУГУН НАФАҚАТ ПАХТАЧИЛИК, БАЛКИ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИСТИҚБОЛИ КЛАСТЕРЛАРДА КЎРИЛМОҚДА. БИНОБАРИН, ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ПАХТА ЕТИШТИРИШДАН ТОРТИБ, ТОЛАНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА БОСКИЧЛИ ЖАРАЁННИ ҚАМРАБ ОЛГАН ЯГОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАНЖИРИГА БИРЛАШГАН САНОАТ МАЖМУИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Хорижнинг илғор таърибалари қўлланилмоқда

Республикамизда пахтачилик тармоғида тўлиқ кластер тизими жорий қилиниб, 2022 йил ҳосили учун 1 миллион 34 гектар майдонда ғўза парваририланди. Мавсум якунлари бўйича унинг гектаридан ўртача 37,8 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган. Таққослаш учун келтирамиз, бу 2019 йилдаги ҳосилдорликка нисбатан 11,2 центнерга кўпдир.

Таҳлилларга қараганда, пахтачилик тармоғи тўлиқ кластерлаштирилган, йиғилиб қолган муаммолар ечилиши баробарида, деҳқончилик маданияти юксалди. Замонавий техникалар сотиб олинди, машина-трактор парклари моддий-техник базаси янгиланди. Кластерлар томонидан 5 мингдан ортиқ юқори унумли техникалар олиб келингани, сўнгги икки йилда юртимизда 169 минг гектар пахта майдонларида томчилаб суғориш жорий қилингани, интенсив ва инновацион агротехнологиялар қўлланилаётгани, пировадиди, ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Узоққа бормаёлик, 2021 йилда 2020 йилдагига нисбатан 422 минг тонна кўп, жами 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси етиштирилиб, ҳосилдорлик ўртача 6,3 центнерга ошди. Шунга мос равишда пахта етиштирувчилар даромади ҳам ортиб бораётгани қувонарлидир. **Агар бундан беш йил олдин кўплаб фермер хўжаликлари пахтадан даромад олишни орзу қилган бўлса, пахтачиликда хусусий секторга кенг имкониятлар яратиб берилган, кооперация асосида кластерлар билан ҳамкорлик қилган фермерлар катта миқдорда фойда ола бошлади. 2021 йил мавсуми якуний ҳисоб-китобларига кўра, фермер хўжаликлари 7,9 триллион сўм соф даромад олишга муваффақ бўлди.**

Ёки бўлмаса, 2019–2021 йилларда даромад 2017 йилгига қиёсанганда 2 баробарга, ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақи эса 2,4 баробарга кўтарилди.

Айтиш жоизки, бундай натижаларга ўз-ўзиндан эришляётгани йўқ. Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ташаббуси билан хорижнинг илғор таърибалари ўрганилиб, энг мақбуллари амалиётга татбиқ қилинаётгани ҳам бунда муҳим омил бўлапти. Яъни чет элнинг замонавий техникалари ҳамда дастгоҳлари нафақат пахта-тўқимачилик соҳасига қўлланилапти, балки билим ва инновациялар, таъриба ва ташаббуслар ҳам инвестиция қилинаётди. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида уюшма тизимида ўнлаб кластерлар АҚШ, Туркия, Хитой давлатларида бўлиб, ўзаро таъриба алмашиб қайтди.

Бу мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар тўғри амалга ошириляётгани, кластер аҳоли даромади ва фаровонлигини таъминлашда асосий кучга айланиб бораётганини кўрсатади.

Бир ярим долларлик хомашё ийгирига беш долларга айланади

Ўзбек пахтасига янги бозорларнинг очилиши туфайли кластерларда тўлиқ саноат занжири яратилиши орқали экспорт кўрсаткичини 50 миллиард долларга етказиш учун реал имконият вужудга келмоқда. Шунинг учун

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимида "Хомашёдан — тайёр маҳсулотгача" тамойили асосида инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мавжуд кластерларнинг 41 тасида пахта қайта ишлашнинг бешта босқичи, 32 тасида тўртта босқич, 31 тасида учта босқич, 16 тасида 2 та босқич ва 14 тасида битта босқич қамраб олинган. Аммо устувор режага кўра, яқин келажада барча кластерлар беш босқичли чуқур қайта ишлаш тизимига тўлиқ ўтади. Шу мақсадда 2022–2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши белгилаб олинган. Пировадиди, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича қўшимча қиймат занжири йўлга қўйилиб, 350 мингта янги иш ўринлари яратилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми эса икки баробар ошиши кўтилмоқда.

Бунинг учун техник имконият ҳам, иқтисодий салоҳият ҳам етарли. Негаки, айни пайтда мавжуд қувватлар ёрдамида 1 миллион 300 минг тонна тола қайта ишлаш мумкин. Мазкур даражага чиқишда кластерлар томонидан 350 га яқин йирик фабрика ишга туширилгани айни мудоао бўлди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 5 баробарга ошди, экспорт эса 4 баробарга ўсиб, қарийб 3 миллиард долларга етди. Яна бир мисол. Агар беш йил бурун юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда 100 фоизлик марра забт этилди. Навбатдаги босқич эса чуқур қайта ишлаш, яъни калава-ипни тайёр маҳсулотга айлантириб, қўшимча қиймат яратишдир.

Шу мақсадда 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 141 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Унинг доирасида 14,3 триллион сўм ва 435,5 минг АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада 32 364 та янги иш ўрни яратилди.

2022 йилнинг ўтган 9 ойи давомида эса 148 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 13,7 триллион сўм ҳамда 443,3 минг доллар хорижий инвестиция жалб қилинди. Кластер корхоналари ўз маблағлари ҳисобидан 1,4 триллион сўмлик сармоя киритди. Шунинг ҳисобига фақатгина тўқимачилик саноати йўналишида 7 700 та янги иш ўрни яратилди.

Кластерларда ана шундай йирик лойиҳалар амалга ошириляётгани, амалиётга инновацион технологиялар жорий этиляётгани туфайли 1,5 долларлик хомашёга 25 долларгача қўшимча қиймат қўшишнинг имкони яратилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача 1,5 долларлик 1 килограмм пахта толасидан калава-ип йиғирилса, унинг баҳоси 3,5 долларга, мато тўқилса, 5,5 долларга, ундан либослар тикилганда эса ўртача 15–25 долларгача қўшимча қийматга эга бўлади. Агар эркаклар қўйлаг ичкиянтилган бўлса, бу кўрсаткич 50 долларга етади.

Қувонарлиси, эндиликда тайёр маҳсулотларимизни сотишга қўйналмаймиз. Ўзбек тўқимачилик саноатчилари 331 та халқаро бренд ҳамда ритейл-лерлар буюртмасини қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Бу ўзбек пахта толаси ва у асосида тайёрланган табиий қийим-кечаклар дунё бозорларини забт эта олишидан нишондир.

